

Суғд конфедерациясида Файйнинг ўрни хусусида

Суғд конфедерациясининг Кушония билан чегарадош яна бир хукмдорлиги Файй бўлиб, у бугунги кунда Самарқанд вилоятидаги дарё, туман ва турли мавзеларнинг номи бўлмиш Нарпай ва унинг атрофи худудларига тўғри келади. Бу хукмдорликнинг сиёсий тарихи ва конфедерация таркибидаги мақоми хусусида манбалардаги маълумотлар жуда тарқоқ. Табарий берган маълумотларни ҳисобга олмаганда Файй тўғрисида манбаларда қарийб маълумот йўқ. Илмий адабиётларда ҳам Файй тарихининг ўрганилиши жуда суст.

Бунинг асосий сабаби сифатида Суғд конфедерациясида танга зарб килдирган хукмдорликлар тарихини ўрганишга муҳим эътибор қаратилгани ҳолда, майда ва танга зарбига эга бўлмаган хукмдорликларнинг тадқиқотчилар назаридан четда қолиши деб кўрсатиш мумкин¹.

Бундан ташқари “Пай” ўзагидан ташкил топган Пайариқ топоними ҳам тарихий Файй сўзи асосида ясалганлигини таъкидлаш лозим. Бу эса Файй хукмдорлигининг айнан қайси худудга тўғри келиши масаласини муаммоли эканлигини кўрсатади. Лекин бу ҳолат тарихий Файй Пайариқ худудида тўғри келган деган тахминни илгари суришга имкон бермайди. Бундан ташқари ҳозирги Пайариқ туманининг катта қисми конфедерация маркази бўлган Самарқанд ва ундан шимолда жойлашган Кабудон хукмдорлиги худудидига тўғри келишини эътиборга олиш лозим.

В.В. Бартольд Суғднинг Файй хукмдорлигини ўрта аср мусулмон манбаларидаги Рабинжон ёки Арбинжонга тенглаштириш мумкин деб келтиради². Ушбу фикрга таянадиган бўлсак, Иштихондан ҳам ғарбда

¹ Суғдшуносликка оид тадқиқотларда Суғд конфедерацияси тарихи Самарқанд, Панч, Кеш, Маймурғ, Нахшаб каби хукмдорликларга эътибор берилиб, Кабудон, Кушония, Файй тарихи эса назардан четда қолган.

² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. ... – С. 148.

жойлашганлиги маълум бўлади. Файйнинг ҳозирги Нарпай тумани ҳудудига тўғри келиши археологик тадқиқотлар орқали ўз ечимини топган³. Бундан ташқари Табарий маълумотларида келтирилган Файй бу ҳозирги Нарпай ҳудудларига тўғри келади.

Суғд конфедерацияси маркази Самарқанддан 2 кунлик масофада жойлашган Файй ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилиб⁴, унинг баъзи ҳолларда мустақил сиёсат олиб борганлиги ҳамда алоҳида ҳукмдорлик бўлганлиги таъкидланади. Кейинги даврларда олиб борилган археологик тадқиқотлар Файй Суғд конфедерациясининг Бухоро ва Самарқанд қисми ўртасида чегара вазифасини ўтаганлигини исботлаган. Айни конфедерация таракқий этган вақтда (V-VI асрлар) Файй ҳам таракқий этган. Ушбу даврда Файй Суғд конфедерациясининг аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудларидан ҳисобланган⁵.

Файй топоними тўғрисида ўрта асрларда ёзилган бир қатор манбаларда маълумотлар келтирилган бўлиб⁶, уларнинг қарийб ҳаммаси бу ҳукмдорликнинг фақатгина номи ва унинг талқини ёки географик жойлашуви келтирилган⁷.

Файйнинг конфедерация таркибидаги сиёсий тарихига оид маълумотлар бошқа ҳукмдорликларга нисбатан кам сақланган. Табарий асарида 720-йиллар (VIII асрнинг биринчи чораги)га оид воқеалар баёнида Файй ҳукмдори

³ Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Ж.К. Новые материалы к изучению рустака Файй. ... – С. 128-149.

⁴ Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра. ... – С. 144.

⁵ Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Ж.К. Новые материалы к изучению рустака Файй. ... – С. 128-149.

⁶ Бу масалада аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун авваламбор ушбу ҳукмдорлик ва Файй топонимининг келиб чиқиши ҳақида маълумотга эга бўлиш керак бўлади. Файй – *فی* ҳукмдорлиги номининг тўғри талқин қилиниши масаласига ойдинлик киритган В.В. Бартольд ушбу топоним манбаларда *فی* – “Қай” ёки “Кай” деб нотўғри талқин қилинганлигини ва бу Суғдийна тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар олиб боришда чалкашликларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаган (Қаранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. ... – С. 146-147). Ушбу топоним Самъонийнинг “Китоб ал ансоб” асарида келтирилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлиб, унда Файй Иштихон ва Кушония ўртасидаги кишлоқ сифатида тилга олинган (Қаранг: Камалиддинов Ш.С. “Китаб ал-ансаб” Абу Саъда Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 90). П.Б. Лурьенинг таъкидлашича, *Fāy* суғдийча сўз бўлиб, *Wāyziyya (z'yh)* – “боғ ерлари”, хоразмча *Nūkfāy* ҳам “Янги боғ” маъноларининг англатади (Қаранг: Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии. ... – С. 144). Табарийда ҳам Файй Суғд рустакларидан деб тилга олинади (Қаранг: История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с доп. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 178.)

⁷ *Bibliotheca geograforum arabicorum edidit M.J.De.Goeje. / BGA. I-III. Lugduni Batavorum, I, Viae regnorum.... auctore Abu Ishak al-Istakhri, 1870; III, Descriptio imperii moslemiki auctore.... Al-Mokaddasi, 1877. – P. 269.*

“Турк хоқон” тарзида учрайди. О.И. Смирнова эса уни “хоқон” унвонли эмас, балки, Турк-хоқон исмли ҳукмдор, деб изоҳлашга ҳаракат қилади⁸. Ҳақиқатдан ҳам кичик бир ҳукмдорлик бўлган Файй ҳукмдорининг ўз унвонини “хоқон”, хусусан, “туркларнинг хоқони” деб атаган бўлиши эҳтимоли жуда кам.

Араблар босқини даврида Файйнинг марказ билан боғлиқлиги масаласи ўзгарган ва бу ерда бўлиниш юз берган кўринади. Хуросон ноиб Саид ибн Абдулазиз даврида (719-720) арабларнинг ҳарбий кучи анча заифлашиб, турклар ва маҳаллий аҳоли уларга жиддий қаршиликлар кўрсата бошладилар. Шундай ҳарбий ҳаракатлардан бири 720 йилда бўлган, Курсул⁹ бошчилигидаги ҳарбий ҳаракатлар эди. Бу даврда Курсул бошчилигидаги Тургаш хоқонлигининг кучлари Дабусия¹⁰ яқинидаги ал-Боҳилий¹¹ қасрини камал қилдилар. Бу даврда Самарқандни бошқараётган Усмон ибн Абдуллоҳ Қалъаи Боҳилийга Мусаййиб ибн Башир ар-Риёҳ бошчилигидаги турли қабила вакилларида тўпланган тўрт минг кишилик қўшинни ёрдамга жўнатади. Қалъаи Боҳилийга 2 фарсах (6-7 километрга тенг) қолганда араблар қўшинини икки минг киши тарк этган эди. Бу даврга келиб араблар қўшинига Файй ҳукмдори Турк-хоқон бошчилигидаги қўшин келиб қўшилган¹². Арабларга келиб қўшилган Файй ҳукмдори уларга қарата бу худуддаги ҳамма деҳқонлар туркларга қўшилганлигини айтади ва ўзининг 300 аскарини араб саркардаси ихтиёрига топширади. Бундан кўриниб турибдики, арабларнинг Қалъаи Боҳилий учун бўлган ҳарбий ҳаракатларида Файйлик аскарлар ҳам қатнашган. Бундан ташқари Файй ҳукмдори Турк-хоқон арабларга ўз қалъасидан жой бериб уларни озиқ-овқат билан таъминлаган¹³.

⁸ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 40.

⁹ Тургаш хоқонлигининг Суғддаги ҳарбий ҳаракатларига бошчилик қилган. 738 йилда Наср ибн Саййор томонидан ўлдирилган (Қаранг: История ат-Табари. ... – С. 413).

¹⁰ Баҳилия қалъасининг эгалланишида арабларнинг ўнг қанот кучларига бошчилик қилган Қусаййир ибн ад-Дабусий номидан олинган (Қаранг: История ат-Табари. ... – С. 178)

¹¹ Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий (Абу Хафс) 86-96 / 705–715) номидан олинган (Қаранг: История ат-Табари. ... – С. 178)

¹² История ат-Табари. ... – С. 178.

¹³ История ат-Табари. ... – С. 180.

Файй ҳам Турк хоқонлиги учун муҳим чегара ҳудудларидан ҳисобланганлиги учун ҳам бу ерда бошқарув туркийлар қўлида бўлган.

О.И. Смирнованинг Табарий маълумотларига суяниб келтиришича, Иштихон ҳукмдори Корзанч бошчилигидаги гуруҳга кўплаб Файйлик кишилар келиб қўшилган¹⁴. Лекин уларнинг кимлар эканлиги маълум эмас. Фақатгина тахмин қилиш мумкинки, мамлакатни ташлаб чиқиб кетганларнинг асосий қисми бойлар ва зодагонлар бўлган. Шундай экан Файйда бўлган бўлиниш натижасида аҳолининг асосий қисми Корзанчга эргашиб Фарғонага кетганлигини билгач, ҳукмдор Турк-хоқон жон сақлаш мақсадида арабларга иттифоқчи бўлишга ҳаракат қилган.

Файй хусусида юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

– Файй Суғд конфедерациясининг унча йирик бўлмаган ҳукмдорлиги бўлиб, Файйнинг мавжудлиги тўғрисида Табарий са Самъоний келтирган маълумотларни ҳисобга олмаганда, ёзма манбаларда бу ҳукмдорлик ҳақида маълумот учрамайди. Хитой йилномаларида ҳам Файй ҳақида маълумот келтирилмаган. Фақатгина археологик тадқиқотлар натижасида бу ҳукмдорлик тарихи ва унга тегишли ҳудудлар ҳақида маълумотларга эга бўлишимиз мумкин;

– Файй ҳукмдорлиги конфедерация маркази Самарқандга бўйсунган бўлиб, унинг ўз номидан танга зарб эттирганлиги ёки аксинча эканлиги маълум эмас. Ёзма манбаларда ҳам бу ҳақда маълумот келтирилмайди;

– Файйнинг Панч ёки Кеш каби ҳукмдорлик марказига бўйсинувчи қарам қишлоқлари бўлганлиги археологик материаллар таҳлили натижасида маълум бўлади. Лекин улар аҳолиси унча кўп бўлмаган қалъа ёки истехком сифатида бўлган. Файй ҳукмдорлигининг ўз қўшинига эга бўлганлиги ҳақида тахмин қилиш мумкин. Табарий келтирилган маълумотларда Файй ҳукмдорининг ўз қўшини билан арабларга қўшилганлиги тўғрисидаги маълумот ушбу тахминни кучайтиради.

¹⁴ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 246.